# Qishloq hayoti

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 6 NOYABR, JUMA, 131 (7592) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги бош бошқармаси томонидан сув омборлари ҳудудидаги 112,6 гектар ер майдонига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, 6171,9 гектар қирғоқбўйи ерлар аниқланди. 2



Хомашё — пахтадан йигирилган калавалар бу ерга "Чиноз текстил" ҳамда "Оқсарой текстил" корхоналаридан келтирилади. Ундан мато тўқиш, тайёр матоларни рангларга бўяш, бичиш-тикишгача бўлган жараёнлар эса корхонанинг ўзида, замонавий ускуналар ёрдамида амалга оширилади. 3



Колорадо қўнғизи одатда бир йил умр кўради. Аммо уларнинг маълум қисми 2-3 йил яшаши ҳам мумкин. Чунки бу қўнғиз узоқ муддатга уйқуга кета олиш қобилиятига ҳам эга. Бу муддат икки, ҳатто уч йилга чўзилиши мумкин. Бу ҳолат зараркунандага қарши курашишни анча-мунча қийинлаштиради. 4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

Наманган вилояти

## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

**"Наманган электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси вилоят аҳолисини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқда.**

**Барча электр қурилмалари ва тармоқларини мавсумга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 1700 километрдан ортиқ тармоқлар, 700 та турли қувват ва ҳажмдаги трансформаторлар, етмишга яқин юқори кучланиш тармоқларидаги ўчиргичлар капитал таъмирланиб, бу борада режалаштирилган ишлар юз фоиз бажарилди.**



СУРАТДА: "Оромгоҳ" подстанцияси муҳандиси (чапда) Зафаржон Назаров ва электрчи Абдумалик Мирзараҳимов. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

## САРҲИСОБ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

**Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида жорий йилнинг тўққиз ойида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари атрофлича муҳокама қилинди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарди.**

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, хусусан, саноат корхоналарини модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастури асосида экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси чуқур таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръати таъминланди. Бу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4 фоизга ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 7,2, қурилиш-пудрат ишлари 26,8, чакана товар айланмаси 15,2, пуллик хизматлар кўрсатиш 13,5 фоизга кўпайди.

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида 37 минг 198 янги иш ўрни яратилди.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига Нукус, Қўнғирот, Кегейли, Элликқалъа ва Хўжайли туманларида намунавий лойиҳа асосида йигирматадан турар-жой қуриш ишлари бошланди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини кўпайтириш, қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ҳали кўп иш қилиниши зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов сўзга чиқди.

* * *

**Қарши шаҳрида 2009 йилнинг тўққиз ойида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва шу йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев бошқарган йиғилишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши, қишлоқ аҳоли пунктларида уй-жойларни комплекс ва якка тартибда қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёрлаш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шу йилнинг тўққиз ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга ошди. Саноатда ўсиш суръати 34,2, қишлоқ хўжалигида 16,4, қурилиш-пудрат ишларида 9,4, хизмат кўрсатиш соҳасида 4,8 фоизни ташкил этди.

Экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баробарга ошди.

Ўтган даврда вилоятда иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликни ошириш, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча манбалардан 371 миллиард сўмдан ортиқ қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида жалб этилган 4,7 миллиард сўм ҳажмидаги инвестиция маблағлари ҳисобига 262, жумладан, озиқ-овқат саноатида 130, қурилиш материаллари саноатида 49, енгил саноатда 34 ва бошқа соҳаларда 46 кичик корхона ташкил этилиб, шу ҳисобдан 1 минг 715 иш ўрни яратилди.

Вилоятда сўнгги тўққиз ой давомида 3 минг 905 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ишга туширилди. Бу соҳани ривожлантириш ҳисобидан 25 мингга яқин киши иш билан таъминланди.

Йиғилишда тўққиз ой давомида эришилган ижобий натижалар билан бирга мавжуд муаммолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Нишон, Чироқчи, Яккабоғ туманларида саноатни ривожлантириш, хусусий корхоналарни кўпайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш талаб даражасида эмас. Деҳқонобод, Миришкор, Муборак, Нишон туманларида қишлоққа саноатни олиб кириш, паррандачиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш ишларини жадаллаштириш зарур. Қамаши, Нишон, Чироқчи туманларида гўштни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар ижроси таъминланмаган.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда ишлаб чиқаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Яккабоғ туманидаги "Ҳумотекс", Шаҳрисабздаги "Садо" корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва йил якунига қадар амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар белгиланди.

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## Куннинг муҳим воқеалари

**▶ Пойтахтимизда "Инновацион фаолиятни ривожлантиришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро экспертлар, инновацион ташкилотлар вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**▶ Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган "Фарзандингман, Ўзбекистон!" мавзуида кўргазма ташкил этилди. Унда фарғоналик мусаввир Христофор Кан асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.**

**▶ Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Бағиш маҳалласида замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида барпо этилган ушбу муассаса энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланди.**

Қашқадарё вилояти

## "Янги авлод" камол топмоқда

**Қарши санъат коллежида "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси ва "Камалак" болалар ташкилоти томонидан ўтказиб келинаётган ушбу фестивалнинг вилоят босқичида олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган 550 нафар якка иштирокчи ва 6 та жамоа қатнашди. Иштирокчилар мумтоз ва миллий чолғу асбоблари, вокал, рақс, тасвирий санъат, шеърият, насрий асарлар ва саҳна асарлари йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Бешинчи бор ўтказилаётган ушбу фестиваль иштирокчиларининг ижод намуналари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Бу ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Вилоят босқичи якунида якка тартибда 17 нафар иштирокчи ва 2 та жамоа ғолибликни қўлга киритди. Энди улар фестивалнинг республика босқичида иштирок этишади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё вилояти

## КУЗГИ ШУДГОР СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Боёвут ва Гулистон туманларида ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш ишларига киришилмоқда.**

Боёвут туманидаги "Деҳқонобод", Гулистон туманидаги У.Носир номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаларида ўтказилган ҳудудий кўргазмали семинарларда ҳам шудгорлашни 40-45 сантиметр чуқурликда ўтказиш, гектарлар тўлиқлигига эътибор қаратиш, ҳайдов тракторларини отряд усулида ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш, ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотини далага кўчириш, ҳайдовдан олдин ҳар гектар майдонга 150 килограммдан суперфосфат солиш бўйича мутахассислар қатнашчиларга зарур йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди. Ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлашни очиқ-ёруғ кунларда тезу соз туғаллаш, келгуси ҳосилга бугундан ишончли замин яратиш шу куннинг асосий вазифаси қилиб қўйилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ҲИСОБОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Анжуман

**Давр шиддати шуни тақозо этмоқдаки, бугунги янгилик эртага оддий жараён бўлиб қолмоқда. Айниқса, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жамият тараққиётининг барча жабҳаларини кенг қуршаб олди. Эътиборлиси, бу инсониятга хизмат қилиш билан унинг кундалик турмуш тарзига қанчалик енгиллик туғдиради.**

Асосан инсон касбий фаолиятида ижобий ўзгаришларни вужудга келтириб, иш маромида сифат кўрсаткичларга эришилмоқда. Биргина мисол: Давлат солиқ қўмитаси бўйича ўзаро сифатли ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштиришга, тизим фаолиятини автоматлаштириш орқали бошқаришга эришилмоқда.

Соҳада йўлдош алоқа тизимидан оптик толали ер усти алоқа тизимига ўтилиши натижасида республикамиз ҳудудининг исталган нуқтаси билан ўзаро маълумот алмашинуви тезлиги 35-70 бараварга оширилишига эришилганлиги диққатга сазовордир.

Бугунги талаб Давлат солиқ қўмитаси томонидан электрон солиқ ҳисоботлари алмашинувини такомиллаштиришни, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини изчил назорат қилишда автоматлаштириш усулидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамкорликда савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, фермер хўжаликлари ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирувчи дастур ишлаб чиқилди.

– Ўзбекистон қонунларига тўла мос келадиган ҳолда шакллантирилган дастур, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Нодира Воҳидова, – давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ягона сифатли ҳисоботни жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро тезкор ҳамкорликни таъминлаш ва энг муҳими, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дастурни амалиётга татбиқ этишдан аввал унинг техник ва методологик камчиликларини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш мақсадида бевосита бош ҳисобчилар, аудиторлар ва мутахассислар иштирокида тест синовлари ўтказилди.

Дастурга мувофиқ барча турдаги ҳисобот ва ҳужжатларнинг йўналишига кўра электрон архив шакллантирилади, ҳисоб-китоблар кунлик киритилиб борилиши ва хатоларнинг доимий тўғриланиб бориши натижасида дастур хотирасида ташкилотнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича аниқ маълумотлар шаклланади.

Ушбу дастур амалиётга жорий этилиши билан солиқ органлари ва хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатлари электрон тартибда амалга оширилиши кўзда тутилиб, ҳисобот топширишдаги хатоликларнинг олдини олиш ва энг муҳими, ягона объектив рақамлар ҳисобини юритиш имконияти пайдо бўлади.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Тошкентда 5 ноябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган 220 нафар делегат иштирок этди.**

## "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Қурултойни "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси И.Саифназаров очди ва партия Сиёсий кенгашининг ҳисобот давридаги ишлари ҳамда келгуси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Қурултой иштирокчилари партия, унинг бошқарув органларининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти якунлари, эришилган натижалар, шунингдек, мавжуд камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятларни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилди, партиянинг марказ ва жойлардаги ташкилотларининг мафкуравий, ташкилий-кадрлар билан боғлиқ ишлари самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини, парламентдаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини яхшилашга доир чора-тадбирларни белгилади.

Делегатлар партиянинг давлат ҳокимияти қонунчилик ва вакиллик органларига бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши бўйича устувор вазифаларни белгилади. Қурултой мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда "Адолат" социал-демократик партиясининг ўрни ва роли белгиланган сайловолди платформасининг асосий қоидаларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Қурултойда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Шунингдек, партия олий органи ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**


Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Мутахассис огоҳлантиради

# Колорадо қўнғизи – босқинчи ҳашарот

## Заҳарли бўлганлиги учун уни ҳатто паррандалар ҳам емайди

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида"ги қарорга мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлар уч турга, яъни табиий, техноген ва экологик турга бўлинади. Табиий фавқулодда вазиятлар ўз навбатида яна уч гуруҳга: геологик хавфли ҳодисалар, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар ва фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятларга ажратилади.**

Ушбу фавқулодда вазиятлар ичида шундайлари борки, биз улар тўғрисида ё жуда кам маълумотга эгамиз, ё уларни табиий офат, деб ҳисобламаймиз ва бунинг оқибати ўлароқ, уларнинг олдини олиш чораларини кўришда баъзида бир қадар масъулиятсизликка йўл қўямиз. Масалан, эпифитотик фавқулодда вазият деганда қандай ҳодиса назарда тутилиши кўпчиликка аён эмас. Хўш, эпифитотиянинг ўзи нима?

**Эпифитотия** – аниқ бир вақт давомида катта ҳудудлар (хўжалик, туман, вилоят)да ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши билан кечувчи оммавий касаллик ёки ўсимлик зараркунандалари сонининг кескин кўпайиши.

Ўсимликлар касалликлари ва зараркунандаларнинг тарқалиши эпифитотия, энфитотия ва панфитотия тарзида юз беради.

Табиий ва хўжалик-иқтисодий шароитлари ушбу касалликнинг ҳар томонга тарқалишига йўл қўймагани боис маълум бир ҳудуддагина қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ўртасида юқумли касалликнинг бир вақтда тарқалиши энфитотия дейилади.

Панфитотия эса бир неча мамлакат ёки қитъа ҳудудида ўсимликларнинг оммавий касалланиши ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларининг кескин кўпайишидир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликларига зарар келтирувчи касалликлари ва зараркунандаларнинг 68000 дан ортиқ тури аниқланган.

Мана шундай зараркунандалардан бири Колорадо қўнғизидир. 1859 йили АҚШнинг Колорадо штатидаги картошка далаларини шипшийдам қилган ҳашарот шундай ном олган. Аслида бу зараркунанданинг ватани Мексика шимолидаги Сонор вилоятидир. Ўз ватанида итузум билан "кун кўрган" қўнғиз ўзга юртларда помидор, бақлажон, картошка каби экинларга қирон келтира бошлади. Европага илк бора XIX асрнинг 76-77-йилларида кириб келди. Атлантика океанини юк ортилган пароходларда кесиб ўтган қўнғиз дастлаб Лейпциг шаҳри атрофларида пайдо бўлди. Бир неча йиллар давомида қўнғизни енгишга эришиб келаётган европаликлар Биринчи жаҳон уруши вақтида зараркунандага "енгилиб" қўйишди, қўнғизнинг дастидан картошка далаларининг ҳосили деярли буткул нобуд бўлди. Энг ёмони, шундан сўнг Колорадо қўнғизи бу ҳудудда муқим ўрнашиб олди.

1949-йилда зараркунанда ҳашарот Украинанинг Львов вилоятида пайдо бўлди. Россия ҳудуди бўйлаб кенг тарқалишни бошлаган зараркунанда охир-оқибат Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонга ҳам етиб келди ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи деҳқонларимиз учун бош оғриқ муаммога айланди.

Ҳашаротнинг ўлчами 9-11 мм. бўлиб, баҳорда тупроқ остидан чиқади. Танаси тухумсимон чўзиқ шаклда. Ҳар бир устки қанотида 5 тадан қора йўл-йўл чизиқлари бор. Ҳашаротнинг урғочиси картошка ўсимлиги баргининг орқа томонига 18-20 тадан ялтироқ, зарғалдоқ тусли чўзинчоқ-овалсимон, узунлиги 2-4 миллиметрли тухумлар қўяди. Ғумбаклар 24 кун ривожланади. Бир йил давомида 1 тадан 4 тагача авлод қолдиради.

Баҳорда қишки уйқудан уйғонган қўнғиз бир кунда 5 тадан 80 тагача, мавсум давомида 1000 тагача тухум қўйиши мумкин. Иккинчи авлодда улар сони 250 мингтагача, об-ҳаво қулай келганда эса учинчи авлодда



80 миллионтагача етиши мумкин.

Тухумдан янги чиққан қўнғизчаларнинг ранги ёрқин зарғалдоқ тусда бўлиб, юмшоқ қопламли бўлади. Бир неча соат ўтгандан сўнг ранги жигарранг тусга киради ва қўнғизнинг пўсти қаттиқлашади.

Ёзда ҳаво иссиқ келганда ва кузда қишлашдан аввал катта ёшдаги қўнғизлар оммавий учишни бошлайди. Қулай шароитларда улар соатига 8 км. тезликда учиб, узоқ масофаларга етиб бориши мумкин.

Колорадо қўнғизи одатда бир йил умр кўради. Аммо уларнинг маълум қисми 2-3 йил яшаши ҳам мумкин. Чунки бу қўнғиз узоқ муддатга уйқуга кета олиш қобилиятига ҳам эга. Бу муддат икки, ҳатто уч йилга чўзилиши мумкин. Бу ҳолат зараркунандага қарши курашишни анча-мунча қийинлаштиради.

Шу боисдан экинзорда 1-2 йил Колорадо қўнғизи кўринмай қолса, зараркунандадан буткул қутулдик, дея хотиржамликка берилиш ярамайди.

Колорадо қўнғизига қарши курашиш учун карантин тадбирлари ўтказилади. Ўсимликларга дори пуркалади. Бироқ қўнғиз заҳарли дориларга нисбатан ўта чидамли бўлганлиги сабабли, унга кимёвий препаратлар унча таъсир қилмайди. Кичик майдонларда қўнғизлар картошка ўсимлигидан битталаб қўлда териб ташланади.

Қўнғиз картошканинг ёш навдаларида бўладиган заҳарли соланин моддасини ўзида тўплаганлиги сабабли паррандалар ва жониворлар уни ейишни хоҳламайди.

Мутахассислар фикрича, Колорадо қўнғизининг ҳидга таъсирчанлиги юқори бўлганлиги учун картошкани дуккакли экинлар, саримсоқ билан биргаликда экиш яхши самара берар экан. Шундай қилинганда картошка тупларининг 95 фоизини қўнғиздан самарали муҳофаза қилиш мумкин. Экинларни эрта экиш ҳам қўнғизга қарши курашишда қўл келади.

Ўз навбатида селекционер олимлар томонидан картошканинг Колорадо қўнғизига чидамли навларини яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Нима бўлганда ҳам, ушбу келгинди босқинчига қарши курашиш борасида мавжуд чора-тадбирлардан унумли фойдаланишимиз зарур.

**Захро ИЛЁСОВА,**
**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси.**



# СПОРТ

## Ўзбекистон учун тарихий, Сапо учун принципиал ғалаба



ФУТЗАЛ

**Вьетнамда давом этаётган ёпиқ спорт иншоотларидаги 3-Осиё ўйинлари доирасидаги футзал мусобақасида чорак финал ўйинлари ўтказилди.**

Жуфтликларнинг бирида бразилиялик мутахассис Сержио Сапонинг ҳозирги ва олдинги терма жамоалари – Ўзбекистон ва Япония рўбарў келишди. Учрашув ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди. Бу биз учун тарихий ғалаба бўлди. Чунки кунчиқар юрт вакилларига қарши мини-футбол бўйича миллий терма жамоамиз бунгача беш марта ўйнаган (барча ўйинлар Осиё чемпионати доирасида бўлиб ўтган) бўлиб, дастлабки баҳс дуранг билан тугаган – Малайзия-99 да гуруҳ учрашувлари ўйинида 5:5. Кейинги барча учрашувларда эса ўзбекистонликлар мағлубиятга учрашган: Таиланд-2000 гуруҳ учрашувлари ўйинида 2:4, Индонезия-2002 1/4 финалда 0:1, Макао-2004 1/2 финалда 2:4, энг аламли мағлубиятга эса ўз майдонимизда – Тошкентда 2006 йили ташкил этилган Осиё чемпионати финалида учраганмиз, 1:5.

Ниҳоят, Япония тўсиғидан ҳам муваффақиятли ўтилди. Дилшод Ирсалиев бу беллашувда ўзини жуда яхши кўрсатди. У дастлаб индивидуал маҳорати эвазига, тўпни рақиблардан олиб қўйиб, ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи голини эса Дилшод Ирсалиев рақиблар дарвозаси томон қанотдан чиройли тарзда кириб бориши натижасида нишонлади. Ҳисоб бизнинг фойдамизга 2:4 га етганда, японлар вазиятни қутқариш ниятида таваккал қилиб, дарвозабонни олтинчи ўйинчига алмаштиришди. Аммо бу "юриш" самара бермади. Аксинча, Ўзбекистон учрашувдаги бешинчи голини киритишга муваффақ бўлди. Бунга жавобан японияликлар ҳисобни битта тўпга қисқартира олишди, холос. Ўзбекистон – Япония 5:3.

1/4 финал ўйини натижалари: Эрон – Малайзия 16:1, Таиланд – Қувайт 7:4, Иордания – Туркманистон 2:3 қўш.в. (асосий в. – 2:2).

Ўзбекистон терма жамоаси ярим финалда Таиланд билан баҳслашади. Эрон эса Туркманистон билан. (Ярим финал ўйинлари кеча — 5 ноябрь куни бўлиб ўтган.) Финал ўйини 7 ноябрга белгиланган.

## "Барса"га қарши қурол топилди

ФУТБОЛ

**Европада Чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларининг навбатдаги 4-тур баҳслари бўлиб ўтди. Кўпчилик футбол мухлисларининг диққат-эътибори "F" гуруҳидан жой олган жуфтликларнинг учрашувларига қаратилди.**



Унда Киевнинг "Динамо"си Миланнинг "Интер" жамоасини ўз уйида қабул қилган бўлса, Қозоннинг "Рубин" жамоаси Каталониянинг "Барселона" жамоаси билан учрашди. "Динамо"чилар-ку ҳеч қандай сенсацияни қайд эта олмадилар ва Италия жамоасидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Аммо "Рубин"...

"Рубин"нинг Каталонияда бўлиб ўтган дастлабки баҳсда қўлга киритган муваффақиятини кўпчилик тасодифга йўйганди. Дарҳақиқат, ўша ўйинда "Рубин" ғалаба қозонган бўлса-да, "Барса" футболчилари бир неча хавфли ҳужумларни уюштирган ва фақатгина қозонликлар тарафида бўлган омад ҳисобнинг Каталония жамоаси фойдасига ўзгаришига йўл қўймаган эди. Шундай бўлса-да, футбол мутахассислари "Рубин" жамоасининг прессинг қўллашда жуда яхши ҳаракат қилишини ва унинг муваффақияти замирида фақатгина омад эмас, балки яхши йўлга қўйилган тактика ҳам борлигини таъкидлашган эди.

Жавоб ўйинининг натижаси барча фикр-мулоҳазаларга якун ясаб, хулоса чиқаришга имкон берди.

Хулоса шундай: "Рубин" Европанинг энг кучли жамоаларидан бири — Испания чемпиони "Барселона"дан икки ўйин натижасига кўра 4 очко олишга эришди. Ҳа, бу сенсация, аммо ҳеч қандай тасодиф эмас. "Барса"нинг ўйин услуби барчага маълум: қисқа масофада тўп узатиш билан тўпни кўпроқ назорат қилиш, марказни тўлиқ эгаллаш, рақиб ҳужумини ҳам майдон марказидаёқ тўхтатиш. "Рубин"нинг ўйин услуби эса бунинг тескариси. Қозонликлар тўпсиз футбол ўйнаш бўйича етакчи жамоа ҳисобланади. "Рубин" жамоаси бош мураббийи Қурбон Бердиевнинг тактикаси "Барса"га қарши энг зўр услуб бўлиб чиқди. Жавоб ўйинида "Барса" ҳар қанча ҳаракат қилмасин "Рубин" дарвозасига йўл тополмади. Голга тортадиган вазиятларга келсак, бу борада икки жамоа ҳам деярли тенг имкониятларга эга бўлди. Шу жиҳатдан 0:0 ҳисоби ўйинга мос натижа бўлди.

Энди "Барса"га Чемпионлар лигасидаги аввалги муваффақиятини қайтариш қийин бўлади. Сабаби, зукко мураббийлар "Рубин"нинг "Барса"га қарши қўллаган "қурол"и — тактикасини синчковлик билан ўрганаётган бўлиши тайин.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Фиорентина" — "Дебрецен" 5:2, "Севилья" — "Штутгарт" 1:1, "Лион" — "Ливерпуль" 1:1, "Арсенал" — "Аз Алкмаар" 4:1, "Униря" — "Глазго Рейнжерс" 1:1, "Стандарт" — "Олимпиакос" 2:0.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

## Мирзоҳид қўшалоқ медаль соҳиби



**Хатирчининг олис қишлоқларидан бирида ўсиб-улғайган Мирзоҳид Шаропов спортнинг армрестлинг тури бўйича яқинда Италиянинг Портвиего шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида бирваракайига иккита олтин медални қўлга киритди.**

Нуфузли беллашувда ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар армрестлинг спорти соҳасида тенгсиз иқтидорларини намойиш этди. Жумладан, мамлакатимиз терма жамоаси таркибида 55 килограмм вазнда ўнг қўл ва чап қўл бўйича ўтказилган баҳсларда уч марта жаҳон чемпиони, Навоий шаҳридаги "Кимёгар" спорт клубида тобланган Мирзоҳид Шаропов иккала босқичда ҳам кетма-кет ғалабага эришди. Унинг ғалабасидан руҳланган ўзбекистонлик спортчилардан Навоий давлат педагогика институти 3-курс талабаси Мақсуд Долиев ҳам қўшалоқ ютуқни қўлга киритди. У 60 килограмм вазнда ўнг қўл бўйича ўтказилган беллашувда олтин ва чап қўл бўйича беллашувда кумуш медаль соҳибига айланди.

**Бахриддин САДРИДДИНОВ**

СОТИБ ОЛИБ, УЗУМЗОР СОҲИБИ БЎЛИНГ!

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги умумий майдони 15 гектар бўлган, элита навли узум етиштириладиган токзор сотилади.

Тел.:(8-371) 293-01-85.

Тошкент ш. Яккасарой тумани Нукус кўчаси 68-уйда жойлашган "BARAKOT-BROK" (ИНН 203466472) МЧЖ тугатилади. Даъволар икки ой муддат ичида 743-12-44 телефони орқали қабул қилинади.

ООО "VAZTRANS AVTO" (код по ОКПО 18722415, ИНН 204242878), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г.Ташкента № 003357-04 от 26.12.2008 г., в соответствии с протоколом собрания учредителей № 4/11 от 4.11.2009 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, М.Улугбекский р-н., ул.Буюк Ипак Йули 299. Тел.: 265-72-54.




*Вниманию организаций и предприятий!*

**Международный аэропорт "Навои" объявляет конкурсный торг по выполнению проектной документации на объект:**

*"Реконструкция пассажирского терминала в аэропорту Навои".*

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 79 166 667 сум.**

Срок завершения строительства **60 дней.**

Заказчик **Международный аэропорт "Навои"**.

Расположенный **пос. Малик-Работ.**

Финансирование осуществляется **за счет собственных средств.**

В торгах может участвовать отдельная проектная организация, фирма, или ассоциация по совместным действиям (которая настоящим определяется как совместное предприятие, ассоциация, консорциум или партнерство). Если участник торгов, в соответствии с выше определенным, является ассоциацией по совместным действиям, состоящей из двух или большего числа компаний, эти компании, все вместе и по отдельности, связаны обязательством перед "Заказчиком" выполнять условия контракта. Они должны назначить одну из данных сторон, выступать в роли ведущей, которая наделена полномочиями, связывать обязательствами ассоциацию по совместным действиям.

Заявки на участие в торгах будут приниматься только от тех участников, которые имеют опыт работы, имеют соответствующую лицензию и обладают текущими финансовыми возможностями, достаточными оборотными средствами.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следущие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г. Навои, ул. С.Айний—32,

тел.: 225-53-85, 225-52-38.

Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул.С.Айний—32, тел.: 225-53-85.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Тошкент ш. С.Раҳимов т. БТИси томонидан 01.06.2005 й.да Абдуназарова Фарида Усмановнага берилган Р-1-2478 рақамли шартнома ва уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"AGTECH AGRI"

шўъба корхонаси фермерларга "Джон Дир" техникаларини таклиф этади.

**Тошкентдаги омборхонадан ғалла ва шоли ўриш комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.**



Маҳсулотлар сертификатланган



Кафолат муддати 1 йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Ўзбекистон валютаси — сўмда ҳисоб-китоб қилинади

**Телефонлар** (+99871) 244-69-79; 241-02-29
(+99897) 746-10-56 сот.
**E-mail:** s.sadykov@agtec.eu
**Манзил:** *Тошкент ш. Навоий кўчаси 3/75.*

Утерянный гос.ордер № 08-01/19112 от 30.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Шибанов Леонид Михайлович, считать недействительным.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси "Қишлоқ хўжалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш" кафедраси ассистенти Бахтиёр Тўлагановга падари бузруквори **Қудрат ота ТЎЛАГАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган – 224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40; Сурхондарё – 392-50-42.

Реклама ва эълонлар – 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Т-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҲАҚБЕРДИЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: М.ШУКУРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1017, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45
9895 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5